



галлачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимлиги девонхона мудирини (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров





Қумқўрғон туман ҳокими  
Р.Б.Гаппаровга

“Озода Голд 771” фермер хўжалиги  
бошлиғи М.Юлдошев томонидан

### АРИЗА

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким “Озода Голд 771” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасида турган 539, 552, 556-да контурларидан жами 29,60 гектар ер майдонини қўшиб беришингизни сўрайман.

“Озода Голд 771” фермер  
хўжалиги бошлиғи:



М.Юлдошев  
тел: +99888-840-77-71

RO'YATI KO'RSATGICH  
KIRISH № 403/01-20  
SANASI 30.03.21

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on  
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va  
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox  
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон  
туман фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох  
кўчаси 3- уй

2021 йил «31» март

Қумқўрғон тумани

№231

**Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг тумандаги “Озода Голд 771” ғалла-пахтачилик фермер хўжалигига қўшимча сувли ер майдони ажратишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.**

### **ХУЛОСА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, тумандаги “Озода Голд 771” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади.

“Қумқўрғон” ҳудудидаги “Озода Голд 771” фермер хўжалиги ҳозирги кундаги фаолият юритиб, иш стажи, кишлоқ хўжалигида тажрибаси, ишчи кучи ва техникаси етарлигини, Кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, фермер хўжалигини кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш, ҳамда Олий мажлис Сенатининг 21.12.2017 йилдаги СҚ-259-сонли, яъни “Фермер хўжалиklarини кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ариза юзасидан ижобий хулоса бериш лозим деб топилсин.

Юқоридагилар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон, 2013 йил 31 январдаги 22-сонли “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарорларига асосан туман фермерлар Кенгаши,

### **Хулоса қилади**

Қумқўрғон туманидаги “Озода Голд 771” фермер хўжалигига қўшимча сувли ер майдони ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га кўриб чиқиш учун юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
Кенгаши раиси:**

403/01-20  
30.03.2021 й

**А.Самадов**

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
QUMQO'RG'ON TUMANI  
HOKIMINING  
**QARORI**



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
**РЕШЕНИЕ**  
ХОКИМА  
КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА

190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 20 yil " 23 " май

Қ-902 -sonli

Тумандаги "OZODA GOLD 771" номли пахта  
ғаллачиликка ихтисослашган фермер  
хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер  
майdonи ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 22 майдаги 28-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 22 майдаги 28-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Юлдашев Муҳиддин бошлиқ "OZODA GOLD 771" номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда Қумқўрғон массиви "Арслонбойли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 194, 195, 196, 262, 268, 256, 266, 269, 267, 249, 257, 266а, 265-дала контурларда жойлашган кўшимча жами 56,78 гектар, шундан 54,12 гектар сувли, 1,18 гектар ариқ, 0,08 гектар йўл, 1,40 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майdonи 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳошишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.